## Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида

**Жорий йилда «Ўзулгуржисавдо» компанияси ўзининг янги шаҳобчаси – «Минитехлизинг» акциядорлик жамияти ривожига бир миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтиради.**

Компания вакилининг таъкидлашича, Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркорбанк», «Фермер хўжаликлари уюшмаси», «Мадад» суғурта агентлиги жорий йилнинг июнида ташкил этилган «Минитехлизинг» акциядорлик жамиятининг таъсисчилари ҳисобланади. «Минитехлизинг» биринчи навбатда кичик бизнес субъектларини замонавий технологиялар билан таъминлашга йўналтирилган хизматлар турини кенгайтиради. Маълумки, лизинг асосида минитехника сотиб олиш республикамиз шаҳарларида бўлгани каби, қишлоқ жойларида ҳам тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг зарур шаклларидан биридир.

Унга кўра йилнинг иккинчи чорагида Хитойдан кичик тегирмонлар, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, яъни сартарошлик салонлари, кимёвий тозалаш шаҳобчаларини жиҳозлаш учун замонавий асбоб-ускуна олиб келинди.

**«Туркистон-пресс».**

*Қишлоқ ҳаёти*

# Нурли кунлар баракаси

**... Оҳорли тонг отди. Унинг заъфарон нурлари буғдойларнинг бўлиқ бошоқларида, ғўзалар шонасига қўнган шудринг доналарида ажиб кўриниш касб этади. Кўп ўтмай, субҳидам сокинлиги ўрнини далаларда иш бошлаган техникалар товуши эгаллади. Омборларга пешма-пеш тўкилаётган буғдой хирмонига барака кираяпти.**



Пахтазорларда ҳам иш шундай қизғин. Иккинчи бор ўғитга тўйинган ғўза ниҳоллари бир текис гуллаб, 3-4 тадан кўсак боғлаган. Буларнинг барчаси деҳқон меҳнатининг самараси.

Давлатга асосан уруғлик пахта ва буғдой етиштиришга ихтисослашган Бўка туманининг Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалигида айни вақтда шундай манзарани кузатиш мумкин.

Табиийки, ҳосил йиғимидек масъулиятли паллада барча дала бошида бўлади. Хўжалик раҳбари Омон Амировга эса бу кундалик одат. Шу боис ҳам раисни идорадан излаб ўтирмай, тўғри ўрим кетаётган далага бордик. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, хўжаликда мавжуд 1438 гектар ернинг 805 гектарига пахта, 620 гектарига ғалла ва 13 гектарига турли сабзавот экинлари экилган.

Хўжаликда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари жорий этилган. Деҳқонларнинг ерга эгалик ҳисси ортган. Оилавий пудрат билан иш юритаётганлар сони 85 тани ташкил этиб, улар ихтиёрида 805 гектар ер мавжуд. Айни дамда пудратчилар етиштираётган экинлар ривожи баланд.

— Шартнома бўйича давлатга 2728 тонна ғалла етказиб бердик. Шунингдек, 2 минг тонна пахта, 260 тонна сабзавот топширишни режалаштирганмиз, — дейди хўжалик раиси Омон Амиров. — Пахтадан ҳосилдорликни гектарига 30, ғалладан эса 50-52 центнерга етказишни ният қилганмиз. Жорий йил пилла топшириш режаси 106 фоизга бажарилибди. Ўтган йилда хўжалигимиз 187 миллион сўм соф даромад олган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 250 миллион сўмга етказиш кўзланган.

Хўжаликнинг техника воситалари ўзига етарли. Уларнинг соз ва бетўхтов ишлаши учун таъмирлаш-механика цехи фаолияти мукаммал йўлга қўйилган. Шу боис ҳам йиғим-теримда мавсум муваффақиятли ўтказилади.

Хўжалик ҳудудини айлансангиз янги дизайн ва замонавий меъморчилик талаблари асосида қурилаётган биноларни кўрасиз. Шулардан бири эски клуб ўрнида қад кўтараётган янги Бахт уйидир.

Шунингдек, 6-мактабнинг ўқув биноси кенгайтирилиб, қўшимча 10 та хона қуриб берилди. 50-мактаб реконструкцияси учун 60 миллион сўм сарфланди. Спорт майдони таъмирланиб, барча зарур спорт анжомлари ва жиҳозлар хўжалик ҳисобидан олиб берилди. Мактабларнинг моддий негизини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили уларнинг ҳар бири ҳисобига 20 тоннадан буғдой ажратилди.

Хўжалик йилдан-йилга ривожланиб, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб бормоқда. Жорий йилнинг ўзида хўжалик маъмурияти 100 оилага уй-жой учун 12 сотиҳдан ер майдони ажратди.

Меҳнаткашлар билан ишлаш, жамоатчилик билан алоқалар, ҳисоб-китоб ишларини юритиш, ижронинг қонунийлигини таъминлаш борасида хўжалик идораси ходимлари ўз вазифаларига алоҳида масъулият билан ёндошишади. Бу борада ёрдамчи ҳисобчи Наргиза Ўринбоева, меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими ходимлари Азиза Қолдибекова, Ҳулкар Мадерхонова, Наргиза Сулаймоновалар фаол иштирок этмоқдалар.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

***СУРАТДА:** хўжалик бош ҳосилоти Жамолиддин Бекназаров ва пудратчи Абдулла Норбўтаев ғўза авжидан мамнун.*

**Муаллиф олган сурат.**

## Olamda nima gap?

### ВОСИТАЧИЛАРГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

**РОССИЯ Федерациясининг бош прокурори Владимир Устинов янги таклиф билан чиқди.**



У мамлакатда истиқомат қилувчи ота-онасиз болаларни фарзандликка қабул қилиш чоғида, агар бу ҳолат давлат тизими назоратидан ташқари амалга оширилаётган бўлса, воситачилик фаолиятини таъқиқлаб қўйиш тарафдори. Пайшанба куни бош прокурор Маъмурий ва Жиноий кодексларга бу борада тегишли ўзгартишларни киритиш ҳақидаги таклифларини Давлат думаси ва Федерация кенгашига йўллади.

### ВАЗИЯТ ЯНА КЕСКИНЛАШДИ

**ЯҚИН ШАРҚ минтақасида вазият яна кескинлаша бошлади.**



Март ойида расман Фаластин хавфсизлик хизматлари назоратига топширилган Тулкарм шаҳрига Исроил қўшинлари киритилиб, комендантлик соати жорий қилинди.

Вазиятнинг бу тарзда ўзгариб кетишига 12 июль куни Исроилнинг Нетания шаҳрида содир этилган қўпорувчилик сабаб бўлди. Фаластинлик террорчининг «Ха-Шарон» савдо маркази ёнида портловчи қурилмани ҳаракатга келтириши оқибатида 3 киши қурбон бўлиб, тўқсондан зиёд одам жароҳатланди.

Исроил мудофаа вазири Шаул Мофаз ҳукуматнинг фавқулодда йиғилишида «Ислом жиҳоди» жангарилари Фаластин ҳудудидан исроилликларни кўчириш жараёнини барбод қилиш мақсадида шундай ишга қўл урганини қайд этди. Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббос эса мазкур террорчилик ҳаракатини нафақат яҳудийлар, балки арабларга ҳам қарши қаратилган жиноят сифатида баҳолади.

### МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИДА

**ПОКИСТОН жанубидаги Готка шаҳри яқинида темир йўллар туташган кичик бекатда 3 йўловчи поезди тўқнашиб кетди.**



Оқибатда икки юздан ортиқ одам ҳалок бўлган, мингга яқини жароҳатланган. Уларнинг аксарияти оғир аҳволда экани боис мамлакат полицияси қурбон бўлганлар сони 300 нафаргача етиши мумкин, деб ҳисобламоқда.

Покистон президенти Парвез Мушарраф юз берган фожиа мамлакат тарихидаги энг катта фалокатлардан бири эканини таъкидлаб, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлик билдирди. Айни вақтда бу нохуш воқеа темир йўл хизматчиларининг масъулиятсизлиги натижасида рўй берган, деб тахмин қиляпмиз, унинг асл сабаблари ҳали батафсил ўрганиб чиқилади, деди у.

### КОМПАНИЯ АЙБЛАНМОҚДА

**ЛИТВА ҳукумати республикада нефть баҳосининг ошишига «ЮКОС» компаниясига қарашли Mazeikiu Nafta айбдор деб ҳисобламоқда.**



Айнан шу шўъба корхона бугунги кунда Болтиқбўйидаги нефтни қайта ишловчи ягона завод соҳибидир. Вильнюсдаги раҳбарлар компанияни рақобат ҳақидаги маҳаллий қонунни бузганликда айблаб, уни йирик жарима билан жазолаш ниятидалар.

### ҲОЗИРЧА ЭНГ АНИҒИ

**ХИТОЙлик тадқиқотчилар жаҳондаги энг аниқ қуёш обсерваториясини қуришга муваффақ бўлдилар.**

Қурилмани 2008 йилда ер орбитасига олиб чиқиш мўлжалланмоқда. Мазкур асбоб икки оптик, битта рентген телескопи ва бир неча спектографлардан иборат. Унинг фазода уч йил ишлаши тахмин қилинаётир.

## Сиздан миннатдормиз

Яқинда вилоят клиник шифохонасида даволаниб қайтдик. Урология бўлими шифокорлари дардимизга малҳам бўлишди. Гапнинг пўст калласини айтиш керак, бўлимдаги шифокор ва ҳамширалар ўзларининг ширинсуханликлари, касбга муҳаббатлари билан беморлар меҳрини қозонган эканлар.

Моҳир жарроҳ ва уролог Ҳамидулла Икромов бошчилигидаги бўлим жамоаси ҳар бир беморни ўзларининг яқинлари борингки, опа-сингиллари, ака-укаларидек қабул қилишар экан.

Ўн кун давомида бу ерда, дардларни унутиб, худди сиҳатгоҳда ҳордиқ чиқаргандек бўлдик.

Бундай шарафли касбда фидокорона меҳнат қилаётган ва кўпчиликнинг ҳожатини чиқараётган азиз шифокорлардан бир умр миннатдормиз.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**Қуйичирчиқ тумани «Нуроний» жамғармаси раиси.**
**М. БЎРОНОВ,**
**туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси.**

## Муаммо барҳам топадими?

Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш замонавий қулайлик, таъбир жоиз бўлса, бебаҳо неъматдир. Хонадонингизда кўп эмас, бир соат чироқ ёки табиий газ бўмаса, дилингиз хира тортади, бирор ишни қойиллатиб бажара олмайсиз.

Шундай деймизу, аммо маҳалламиз аҳли электр аталмиш беназир воситадан тез-тез мосуво бўлишга «маҳкум». Бунинг тузукроқ сабабини билмаймиз. Билганимиз шуки, жиндек шамол кўтарилса ёхуд дов-дарахтларнинг шохлари сал қаттиқроқ тебраниб қолса бас, электр тармоғида аниқ узилиш бўлади. Бунинг табиий сабабларини ҳас-пўшлаш мумкиндир, аммо алам қиладигани, мутасаддилар юзага келган ҳолатни бартараф этишда мудом сусткашлик, боқибеғамлик, ўзибўларчиликка йўл қўядилар. Натижада, икки-уч кунлаб чироқсиз қолишга мажбур бўламиз. Ахир, узилган электр симини улаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмасда. Боз устига, тез-тез чироқ ўчиши натижасида хонадонлардаги музлатгичлар бир маромда ишлаёлмайди. Айни ҳол, ёзнинг жазирама кунларида озиқ-овқат маҳсулотларининг тезда бузилиб, истеъмолга яроқсиз бўлишига олиб келмоқда. Хўш, бундан азият кўраётганлар арзу додларини кимга айтсинлар?!

Мавжуд муаммо юзасидан маҳалламиз аҳли Қибрай тумани электр тармоқлари идорасига мурожаат қилганида, мутасаддилар бунинг сабабини ер остидаги электр симларининг эскирганлиги билан изоҳлашган. Аммо, баҳоналарни қалаштиришга ўрганган мутасаддилар муаммоларни бартараф этиш борасида амалий саъй-ҳаракатларни бошласалар, айни муддао бўларди.

Электр энергиясидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир хонадон аъзолари том маънода истеъмолчилардир. Уларнинг ҳуқуқлари асоссиз, сурункали поймол этилиши шунчаки масъулиятсизлик эмас, ҳатто жиноятдир.

**Қибрай туманидаги М. Шералиев номли маҳалланинг бир гуруҳ фуқаролари.**

# ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

## Яхши одамлар кўмаги

Дунёда ҳали қалби тўла эзгулик бўлган, кимгадир доим яхшилик қилиш илинжида юрувчи кишилар борлигига хурсанд бўламан.

Ўзим Оҳангарон туманининг Оқча қишлоғиданман. Болалигимдан ногирон бўлганлигим боис, тез-тез шифокорларга мурожаат этишга мажбурман. Уйимиз эса туман марказидан олисдалиги сабаб шифохонага қатнаш мен учун анча қийинчилик туғдирарди. Менга туман марказидан уй-жой зарур эди. Ушбу муаммони ҳал этиб беришларини сўраб, катта-кичик раҳбарларга бир неча бор мурожаат қилдим. Аммо, натижа бўлмади.

Шунда атрофимдаги кишилар бу масалада Ангрен шаҳар Нуробод қўрғони турар-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Рустамжон Пўлатхонов ёрдам бериши мумкинлигини айтишди.

Аслида бу инсон ҳақида илгари кўп эшитгандим. Унинг жонкуярлиги, олижаноблиги, кишиларга қилган беминнат яхшиликлари қулоғимга чалинган.

Хусусан, Рустамжон ака ушбу ташкилотга раҳбар бўлиб келган пайтдан шу кунга қадар қўрғонда қатор ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, кўпчиликнинг муаммоси ҳал бўлган экан.

Минг истиҳола билан Рустамжон ака ҳузурига бордим. У киши сўзларимни диққат билан тинглади-да, «Сизга, албатта, ёрдам қиламиз» деди ва сўзининг устидан чиқди. Бу бағрикенг инсон кўмаги билан Нуробод қўрғонининг Оҳангарон тумани марказига яқин жойдаги кўп қаватли уйлардан алоҳида хонадон ажратиб, ҳужжатлаштириб беришди. Ҳозир шифохонага қатнаш қулай бўляпти. Мен бу олижаноб инсондан миннатдорман.

**Камола ҚАРШИЕВА.**

## Оқибати ёмон иллат

Бугун ер юзида тобора глобаллашиб бораётган гиёҳвандлик, терроризм бутун дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик урф бўлиб бораётгани бағоят ачинарлидир. Бу каби иллатлар афсуски, бизнинг юртимизда ҳам йўқ эмас.

Ёшлар ўртасида авж олган кашандалик охир-оқибат юқоридаги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Аксарият тенгдошларим билан суҳбатлашганимда, маълум бўлишича, уларнинг айримлари ўзларини катталардек тутишни, уларга тақлид қилишни хоҳлашгани боис, баъзилари шунчаки, ҳавас учун бу ишларга қўл уришар экан.

Ўзларидаги бундай қизиқиш эртага соғликлари учун қимматга тушишини наҳотки улар ўйлашмаса? Қолаверса, ота-оналар, мактаб жамоатчилиги ва биз тенгдошлар ана шундай ножўя ишларга қўл ураётган ёшларни доимий назорат қилиб туришимиз, уларни бу йўлдан қайтаришимиз лозим.

**Назарбой ҚИЛИЧЕВ.**

## Ўғилнинг дўстлари ноқобил бўлса...

Одатда, фарзандидан нолиганларни ёмон кўраман. Кимдир боласидан норозилигини гапирса, ўзинг берган тарбия, дердим. Аммо, бугун ўз фарзандимнинг ножўя қилиқларидан эл олдида юзим шувут.

Икки ўғил икки қизни вояга етказдик. Катта фарзандим мактабни тугатганда турмуш ўртоғим бехосдан хасталикка чалиниб, дунёдан ўтдилар. Шу кундан рўзғор ташвиши, фарзандлар тарбияси ўзимнинг елкамда қолди. Кўча супуриб пул топдим, болаларимни ҳеч кимдан кам қилмадим. Ёлғиз бошим билан уларни уйли-жойли қилдим, фарзандларимнинг файзли тўйларини кўриш менга насиб этди. Шу орада улар ҳам ҳунар ўрганишди, ёнимга киришди. Ўз араваларини ўзлари торта бошлашди...

Бугун уларнинг ташвишларидан қутилдим, деганимда катта ўғлимнинг «хурмача» қилиқлари мени адои тамом қилмоқда. Нокамтарликка йўйманг, ана шу ўғлимга қизлардан совчилар келган. Оғир-босиқлиги, камтарлиги учун ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирганди.

Яқинда шаҳардаги бир маиший хизмат уйига ишга кирди-ю, айниди. Ичиб келадиган, хотини билан жанжаллашадиган одат чиқарди. Ҳатто, мижозларнинг жиҳозларини сотиб ичадиган бўлиб қолди. Кейин билсам, ёнидаги шериклари ичкиликка ружу қўйган кишилар экан.

Энди бу йўлдан қайтаролмаяпман. Уч йилдирки, уйда жанжал-тўполон, рўзғордан ҳам барака кетган. Ҳатто бир куни онасига дўқ қилишга журъат қилди. Дилим оғриди, қаттиқ ранжидим. Отаси тирик бўлганида шундай бўлмасмиди, деб ўйладим. Охирги пайтларда уйда ўтиролмайдиган бўлиб қолдим. Қариндошларимникига кетаман. Бу ноқобил боланинг юзини бир кун бўлсада кўрмасам дейман...

Сизга мактуб ёзишдан мақсадим, фарзандингизни кимлар билан дўстлашганини, нималар билан шуғулланаётганини назорат қилиб туришингиз лозимлигини эслатиб қўйиш. Акс ҳолда, менинг бошимга келган балоларга сиз ҳам йўлиқишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳридан ТОЖИНИСО ая.**

**Материалларни Равшан ЁҚУБЖОНОВ тайёрлади.**


## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи 2005-2006 ўқув йилига кундузги бўлимга қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:**

1. Банк иши бўйича мутахассис
2. Ҳуқуқий хўжалик фаолияти
3. Умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича мутахассис
4. Тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаштириш бўйича технолог
5. Маиший хизмат машина ва жиҳозларини таъмирлаш бўйича механик
6. Маркетолог
7. Бухгалтер-аудитор
8. ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ишлатиш бўйича мутахассис
9. Молиячи



**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширади:**

*1. Директор номига ариза*
*2. Тиббий маълумотнома (086-У)*
*3. Тавсифнома*
*4. Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси*
*5. 6 дона 3х4 ўлчамли сурат*
*6. Тураржойидан маълумотнома*
*7. 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси)*

**Манзил: Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Қорамурт кўчаси, 1-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: 63-74-48, 63-74-41.**
**Буюк Ипак йўли — Аграр университети йўналиши бўйича 83-, 96-, 4-, 115-, 19-, 485-, 6-автобусларнинг ҳамда 20-маршрутнинг «Тошкент Давлат аграр университети» бекати.**

## ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР!

**Қибрай тумани Тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи 2005-2006 ўқув йили учун қабул эълон қилади.**

**Коллежга қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчилар қабул қилинмоқда:**



1. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича механик
2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқшунос
3. Автомобиль транспортида ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш
4. Банк иши бўйича мутахассис
5. Ветеринар-фельдшер
6. Молиячи

**Коллежда барча мутахассисликлар бўйича: 9-синф маълумоти негизида ўқувчилар қабул қилади. Ўқиш муддати — 3 йил. 11-синф маълумоти негизида тўлов контракт асосида кундузги бўлимга ўқувчилар қабул қилади.**

**Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

➔ Директор номига ёзилган ариза
➔ Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси
➔ 9-синф учун тавсиянома (Психологик ташхис марказидан)
➔ Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома
➔ 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома
➔ 3х4 ҳажмли 6 дона фотосурат
➔ Паспорт ва ҳарбий ҳужжат шахсан кўрсатилади

**Ҳужжатларни қабул қилиш 15 августгача давом этади.**

**Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.**
**Манзил: Буюк Ипак йўли метро бекатидан 496-автобус ва 138-маршрутнинг «Медиз» бекати. 43-маршрут, 1- ва 17-автобусларнинг «Ҳумоюн» бекатидан «Медиз» бекатигача пиёда юрилади. Мўлжал: «Медиз» корхонаси рўпарасида.**

